

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ШАВКАТ ИСМАТОВИЧ

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИНИ СИҚИЛГАН КАРБОНАТ АНГИДРИД
ГАЗИ БИЛАН ЭКСТРАКЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва
бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Файзиев Шавкат Исматович

Ўсимлик хомашёларини сиқилган карбонат ангидрид гази билан
экстракциялаш жараёнини бошқариш тизимини моделлаштириш ва
тадқиқ этиш 3

Файзиев Шавкат Исматович

Моделирование и исследование системы управления процессом
экстракции растительного сырья сжиженным углекислым газом 21

Fayziev Shavkat Ismatovich

Modeling and research of the process control system for the extraction of
plant materials liquefied carbon dioxide 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ШАВКАТ ИСМАТОВИЧ

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИНИ СИҚИЛГАН КАРБОНАТ АНГИДРИД
ГАЗИ БИЛАН ЭКСТРАКЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва
бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1093 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyouet" ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саддиқов Исамиддин Хақимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Касьянов Геннадий Иванович (Россия Федерацияси)
техника фанлари доктори, профессор

Исмаилов Мирхалил Агзамович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент кимё-технология институти


Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 06 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (208 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «02» 06 куни тарқатилди.
(2021 йил «01» 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси)




Н.Р.Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик


У.Ф.Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Х.З.Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қотидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат ва фармацевтика соҳасида экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жумладан ўсимлик хомашёларини экстракциялаш жараёнида ўта критик ҳолатдаги моддалардан рационал фойдаланиш, энергия ва ресурс сарф харажатларини камайтириш мақсадида замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда ўсимлик хомашёларини экстракциялаш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошириш ва ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи самарадор бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ўсимлик хомашёсининг табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда ўта критик сиқилган карбонат ангидрид газларидан фойдаланиб, биологик фаол моддаларнинг юқори концентрацияли экстрактларини ишлаб чиқариш жараёнини оптимал бошқариш тизими ва технологияларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, фармацевтика, парфюмерия ва озиқ-овқат саноатида юқори сифатли доридармон ва экологик тоза маҳсулотларни олиш имконини берадиган мураккаб технологик жараёнларни самарали рақамли автоматик бошқариш тизимларини синтезлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш чора тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, ... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан технологик жараёнларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида замонавий технологик воситалардан фойдаланиб, сиқилган карбонат ангидрид газини билан ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини рақамли бошқариш тизимини моделлаштириш ва синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида», 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик», IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёғ-мой саноатида ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини бошқариш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-техникавий наشرлар таҳлили ушбу соҳада маълум даражада назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан далолат беради. Бу борада хорижий олимлардан, жумладан, A.Abraham, R.A. Aliev, A.Allgöwer, Zhao Suwei, M.S. Diaz, Г.И. Касьянов, В.А. Бабеньков, М.В.Голубятникова, В.П. Мешалкин, Ф.И. Василев, О.И. Драчев, А.М.Абакумов, S. Malkin, A.A.Cardì, R.Bauer ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишган. Улар ўз тадқиқот ишларида экстрактор қурилмасини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини модда ўтказувчанлик тезлигига боғлиқлигини аниқлаш масалаларини тадқиқ қилишган.

Турли экстрагентлар орқали экстракция жараёнини амалга оширувчи мураккаб технологик объектлар ва жараёнларни моделлаштириш ва бошқариш муаммоларини ечишга ўзбек олимларидан Т.Ф.Бекмуратов, Н.Р.Юсупбеков, М.М.Камилов, Х.З.Игамбердиев, Ш.М.Гулямов, М.А.Исмоилов, И.Х.Сиддиқов, М.М.Мусаев, А.А.Ғафуров ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бирга ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид газини билан экстракциялаш жараёнини хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқаришнинг моделлари, алгоритмлари ва тизимларини яратиш масаласига етарлича аҳамият берилмаган. Шу муносабат билан ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид газини билан экстракциялаш жараёнининг замонавий бошқариш усуллари ва ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқариш тизимини такомиллаштириш ва яратиш зарурияти туғилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №А-5-7 «Юқори босимда сиқилган газлар

билан ўсимлик хомашёсидан экстрактлар ишлаб чиқишда жараёнларни ахборот коммуникацион тизимлар ёрдамида бошқариш дастурини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» (2015-2017), №А-9-1 «Сиқилган газларни қўллаган ҳолда ўсимлик хомашёсидан ингредиентлар ишлаб чиқаришнинг экологик тоза, ресурстежамкор технологиясини яратиш» (2015-2017) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сиқилган карбонат ангидрид гази билан ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнининг рақамли бошқариш тизимини тадқиқ қилиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнини бошқариш масалаларини тизимли таҳлил қилиш;

эрийдиган моддаларнинг ички қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик хомашёсини сиқилган CO₂ газининг ўта критик ҳолатида экстракциялаш жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш;

ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш технологик жараёнини оптимал бошқариш тизимини синтезлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

экстракциялаш жараёнини ахборот-коммуникация бошқарув тизимини тадқиқ қилишнинг махсус дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнини бошқариш тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети сиқилган карбонат ангидрид гази билан ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини бошқариш тизимини тадқиқ қилишнинг усуллари, моделлари ва алгоритмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда аналог ва рақамли тизимларни автоматик бошқариш, имитацион моделлаштириш, ҳолат параметрларини фазоси, ночизикли дастурлаш, оптимал дискрет бошқариш, идентификациялаш, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсимлик хомашёсини ўта критик сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёни самарадорлигининг чегаравий қийматларини аниқлаш ва экстрактор параметрлари оптимал режимларини ҳисоблаш имконини берувчи статистик-математик модел ишлаб чиқилган;

юқори концентрацияли ингредиентлар олишни таъминловчи экстракциялаш жараёни технологик параметрларининг оптимал қийматларини аниқловчи такомиллаштирилган симплекс режалаштириш усулига асосланган, мавжуд алгоритмлардан янада юқорироқ тезкорлик ва аниқлиги билан фарқланувчи имитацион оптималлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кўп ўлчамли динамик объектнинг кесишувчи каналларини компенсацияловчи ва бошқаришнинг зарурий хоссаларини таъминлаб берувчи рақамли ростлагич параметрларини созлашнинг самарали алгоритми

ишлаб чиқилган;

юқори босимда сиқилган CO_2 гази ёрдамида ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнининг ностационарлигини ҳисобга олган ҳолда оптимал бошқаришни таъминловчи кўп ўлчамли рақамли автоматик бошқариш тизимини синтезлаш алгоритми илк бора ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

CO_2 экстрагент технологик жараёнини автоматлаштирилган бошқариш тизимининг махсус дастурий-аппарат воситалари ишлаб чиқилган;

сиқилган карбонат ангидрид гази ёрдамида ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини тадқиқ қилиш учун микроконтроллер орқали бошқариладиган, маҳаллий хомашёдан сифатли янги экстрактлар ва мойларни олиш имконини берувчи лаборатория қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг ишончлилиги назарий асосланган, динамик объектларни автоматик бошқариш ва тажриба усулларида тўғри фойдаланилганлиги, таклиф этиладиган бошқарув моделлари ва алгоритмларининг белгиланган даражада мослиги, апробация қилинган замонавий бошқариш назарияси усулларида қўлланилиши, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқариш объектларини янада такомиллаштирилган бошқариш тизимларини синтез қилиш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берувчи кўп боғлиқли динамик объектларни икки қатламли рақамли бошқариш тизимларини синтез қилишнинг математик динамик моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳсулотларнинг табиий сифатини сақлаб қолиш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашда ўсимлик хомашёларини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнини моделлаштириш ва бошқариш масалаларини ечиш имконини берадиган махсус дастурий воситани ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сиқилган карбонат ангидрид гази билан ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини бошқариш тизимини синтез қилиш натижаси асосида:

ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг бошқариш тизимини компьютерли моделлари ва оптимал параметрларни топиш алгоритми асосида яратилган дастурий мажмуа «Жондор озиқ-овқат савдо» МЧЖда жорий этилган («Ўзғёмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 29 августдаги АА/3-932-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимлик ёғи концентрация характеристикаларини ошириш имконини берган;

сиқилган карбонат ангидрид гази билан ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнининг оптимал бошқариш тизимини синтезлаш

алгоритмлари «Ванғози Агро Экспорт» МЧЖда жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2020 йил 29 августдаги АА/3-932 сон маълумотномаси). Натижада, жараённинг технологик параметрларини юқори аниқликда бошқаришни ташкил этиш имконини берган;

ингредиентлар олиш жараёнининг технологик параметрларини синтезланган кўп боғлиқли рақамли бошқариш тизими Россиянинг «НПП Плазма К» МЧЖда жорий этилди (Россиянинг «НПП Плазма К» МЧЖнинг 2019 йил 26 декабрдаги жорий этиш далолатномаси). Натижада, кўп энергия талаб этадиган технологик жараёнларни олиб боришда энергия тежамкорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик хомашёларини экстракциялаш жараёнини бошқаришнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини бошқариш тизимини яратиш ҳолати ва ривожланиш тенденциясининг тизимли таҳлили келтирилган.

Сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёни самарадорлигига қуйидаги параметрлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади: экстрагентнинг қовушқоқлиги, ҳарорати ва босими, хомашёнинг ғоваклилиги ва сочилувчанлиги, экстракцияланадиган материалнинг майдаланиш даражаси, фазаларни ажратиш юзалари ва бошқа омиллар.

Бошқариш объекти сифатида ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини таҳлил қилиш асосида жараённи бошқаришнинг самарали тизимларини яратиш учун асос бўладиган, концептуал модел кўринишида тасвирланган, кўриб чиқиладиган жараёнга таъсир қилувчи асосий омиллар

аниқланган.

Ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини бошқаришнинг самарадорлиги энергия ва ресурс харажатларини минималлаштириш орқали мақсадли маҳсулотни концентрацияси максималлигини таъминловчи бошқариладиган параметрларини топиш орқали шакллантирилади.

Ишда ушбу муаммони ечиш учун дастлабки маълумотлар асосида технологик жараённинг ҳозирги ҳолатини баҳоловчи ва белгиланган мақсадга мувофиқ жараённи бошқаришни шакллантиришга имкон берувчи икки қатламли бошқариш тизими таклиф этилган. Бунда, юқори қатламда, агрегатнинг оптимал ишлаш режимларини аниқлаш масаласи жараённинг статик-математик модели (статик режим) асосида ҳал қилинади, пастки қатламда эса берилган иш режимини қўллаб-қувватловчи технологик параметрларни барқарорлаштириш муаммолари ечилади.

У ҳолда технологик объектни оптимал бошқариш масаласи қуйидагича шакллантирилади: шундай u_1, u_2, \dots, u_n бошқариш таъсирларини топиш керакки, $y = f(x_i, u_i)$ кириш ва чиқиш ўзгарувчилари орасидаги боғлиқларни инобатга олган ҳолда, $x_{i\min} \leq x_i \leq x_{i\max}, y_{i\min} \leq y_i \leq y_{i\max}, u_{i\min} \leq u_i \leq u_{i\max}$ технологик чекловлар бажарилганда, у ўсимлик ёғи концентрациясини максимум таъминласин:
$$\max_{u, y, x} \Phi = \phi(x_i, y_i, u_i).$$

Бошқаришнинг қуйи қатламида технологик параметрларни барқарорлаштириш $y_i = x_k, x_{i\min} \leq x_i \leq x_{i\max}, y_{i\min} \leq y_i \leq y_{i\max}, i = 1, 2, \dots, n;$ бўлганда, оптимал бошқариш таъсирларини топиш масаласи $\max_{x, y} \sum_i \phi(x_i, y_i)$ мезони бўйича ечиш орқали амалга оширилади.

Бундай тизим реал жараённи етарли даражада ифодаловчи экстракция жараёнининг математик модели асосида амалга оширилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Экстракциялаш жараёнини моделлаштириш ва оптималлаштириш алгоритмлари**» деб номланган иккинчи боби экстракция жараёнининг математик моделини ишлаб чиқишга бағишланган.

Экстракциялаш технологик жараёнининг асосий хусусиятларидан бири, эрувчи модда заррачанинг ҳар бир квазикатламидан чиқувчи ўртача концентрациясининг ўзгаришини характерловчи қаттиқ фазадан суюқ фазага ўтиши билан боғлиқ модда алмашиниш жараёнларининг детерминант-стохастик табиати ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, баргсимон шаклда майдаланган заррачанинг ички ва ўрта квазикатламларда, шунингдек, экстрагент билан бевосита боғлиқ бўлган квазикатламларда модда алмашиниш жараёнининг математик модели шакллантирилди. Ёғли хомашёнинг қаттиқ фазадаги миқдори (G_0) ва унинг таркибидаги ёғ миқдори билан шрот миқдори ($G_{ш}$) ва шротдаги қолдиқ ёғ миқдори орасидаги фарқнинг тенглигини тасдиқлайдиган экстракциядаги модда алмашиниш жараёнининг моддий баланс тенгламаси қуйидаги кўринишда тасвирланади:

$$G_0 - G_0 \cdot a_0 = G_{ш} - G_{ш} \cdot a,$$

бу ерда a_0 – хомашёнинг бошланғич ёғлилиги; a – шротнинг ёғлилиги.

У ҳолда, суюқ фазага ўтадиган ёғ миқдори (G_m) хомашё ёғ миқдори билан шрот миқдори орасидаги фарқ билан аниқланади:

$$G_m = G_0 \cdot a_0 - G_{ш} \cdot a \text{ ёки } G_m = G_0 \cdot a_0 - G_0 \frac{1 - a_0}{1 - a} \cdot a.$$

Экстракция жараёнининг моддий баланс тенгламасига мувофиқ, «қаттиқ тана-суюқлик» фаза тизимида экстрагент таркибидаги ёғ концентрациясининг ўзгариши қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\frac{dy}{dt} = \frac{1}{V\rho} (Ly_0 - Ly + G_m),$$

бу ерда L , V ва ρ – суюқ фазадаги экстрагентнинг миқдори, ҳажми ва зичлиги; y – мисцелла таркибидаги ёғ концентрацияси; y_0 – экстрагент таркибидаги бошланғич концентрация.

Карбонат ангидрид экстрагент сифатида ишлатилганлиги сабабли, унинг масса миқдори қуйидагича аниқланади: $L = L_0 \cdot \frac{1 - y_0}{1 - y}$, бу ерда L_0 – экстрактнинг бошланғич қиймати;

Натижада суюқ фазада ёғ концентрацияси ўзгаришининг математик ифодасини оламиз:

$$\frac{dy}{dt} \cdot m = L_0 \cdot \left(y_0 - \frac{1 - y_0}{1 - y} y \right) + G_m = L_0 \cdot \left(y_0 - \frac{1 - y_0}{1 - y} y \right) + G_0 \cdot \left(a_0 - \frac{1 - a_0}{1 - a} \cdot a \right),$$

бу ерда m – ёғнинг массаси.

Лаплас алмаштиришини қўллаб, қуйидаги ифодага эга бўламиз:

$$y \cdot m = \frac{1}{P} \cdot \left[L_0 \cdot \left(y_0 - \frac{1 - y_0}{1 - y} y \right) + G_m \right] = \frac{L_0}{P} \cdot \left[\left(y_0 - \frac{1 - y_0}{1 - y} y \right) + G_0 \cdot \left(a_0 - \frac{1 - a_0}{1 - a} \cdot a \right) \right].$$


Статик режимда суюқ фазадаги концентрация қуйидагича аниқланади:

$$y = \frac{L_0 y_0 + G_m}{G_m + L}.$$

Ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёни ички хусусиятларини таҳлил қилиш учун хомашё заррачалари ўрта квазикатламининг компьютер модели ишлаб чиқилди (1-расм). Экстракция жараёнининг критик қийматларини аниқлаш учун дастлабки маълумот сифатида экстрагент карбонат ангидрид газининг босими ва унинг ҳароратини рухсат этилган чегаравий қийматлари олинди.

Тажриба натижасида диффузия коэффициентининг модда ўтказувчанлик тезлигига таъсири аниқланди. Тажриба шуни кўрсатдики, диффузия коэффициенти $D = 4,5 \cdot 10^{-12} \text{ м}^2/\text{с}$ бўлганда, экстракциялаш 600 сек давом этади, экстракция жараёнидан сўнг, хомашёнинг ёғлилиги 15 % дан 3 % гача камайиши (2а-расм кўк чизик) ва мисцелла концентрациясининг ошиши кузатилди (2а-расм қизил чизик).

Экспериментни режалаштириш усулидан фойдаланиб, сиқилган карбонат ангидрид газининг билан ўсимлик хомашёларини экстракциялаш жараёнининг статистик-математик модели яратилди.



1-расм. Таркибида ёғ сакловчи материал ўрта квазиқатламнинг компьютер модели.

Натижада регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишда олинди:

$$y = 8,28 + 0,09x_1 - 0,08x_2 + 0,16x_3 + 0,09x_1^2 + 0,09x_2^2 + 0,19x_3^2 - 0,10x_2x_3.$$


Оптимал қийматларни аниқлаш учун оптималлаштириш масаласининг математик ифодаси қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$y=f(x_1; x_3) \rightarrow \max. \quad 6,5\text{МПа} \leq x_1 \leq 7,5\text{МПа}, \quad 30^\circ\text{C} \leq x_3 \leq 35^\circ\text{C}.$$

бу ерда x_1 – экстрактордаги босим, x_2 – экстрактордаги ҳарорат.

Бошқариладиган параметрларнинг оптимал қийматларини топиш учун, бизнинг ҳолатда экстракторнинг киришига бериладиган экстрагентнинг босими ва ҳарорати, доимий-ўзгарувчан қадамли модификацияланган сипмплекс режалаштириш усулини қўллаган ҳолда оптималлаштиришни топиш алгоритми яратилди. Натижада босим $P=7,25\text{МПа}$, ҳарорат $T=32^\circ\text{C}$ нинг оптимал қийматлари топилди.

Ишлаб чиқилган қидириш алгоритмини ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида агрегатнинг оптимал иш режимларини аниқлаш масалаларини ечиш учун қўллаш мумкин.



2-расм. Диффузия коэффициент $D=4,5 \cdot 10^{-12} \text{ м}^2/\text{с}$ бўлганда, қаттиқ ва суюқ фазаларда ёғ концентрациясининг ўзгариши (а) ва квазикатламларда ёғ концентрациясининг пасайиши (б) графиклари

Диссертациянинг «**Экстракция жараёнининг автоматик бошқариш тизимини синтезлаш**» деб номланган учинчи бобида бевосита технологик параметрларни бошқариб туриб, юқори қатламдаги оптимал топшириқларни амалга оширувчи ўзаро боғлиқ локал бошқариш тизимлари тўпламларини ўзида акс эттирувчи экстракция технологик жараёнини бошқаришнинг қуйи қатламини синтезлаш масаласи ечилган.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг технологик параметрларини рақамли кўп боғлиқли бошқариш тизими ишлаб чиқилди (3-расм).

Яратилган бошқариш тизимида экстракциялаш жараёнини параметрларининг ўзаро боғлиқлиги тизимнинг турғунлигини таъминлаш ва унга зарурий динамик хусусиятларни бериш масаласини мураккаблаштиради. Бундай ҳолларда объектнинг узатиш каналларини ўзаро боғлиқлигини компенсациялаш зарурияти туғилади. Бошқариш канали автономлигини


таъминлаш тизим таркибига кесишиш алоқа каналларининг ўзаро таъсирини камайтириш имконини берувчи компенсатор қурилмаларини киритиш орқали амалга оширилади.

Бунда $W_k(p)$ компенсатор ва $W_p(p)$ ростлагичнинг узатиш функцияларининг матрицали ифодасини инобатга олган ҳолда, берк тизимнинг узатиш функциялари матрицаси қуйидагича ифодаланади:

$$\bar{y} = (I + W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u)^{-1} \cdot W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u \cdot y^3,$$

бу ерда I -бирлик матрица, $r \times r$, y^3 -ҳар бир бошқариш канали учун топшириқ.

Алоқа каналининг автономлик шарти $(I + W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u)$ матрица –диагонал бўлганда таъминланади. Маълумки, I -диагонал матрица, шунинг учун $(W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u)$ ифода ҳам диагонал матрица бўлади: $R = W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u$, бу ерда R -диагонал матрица, $r \times r$, $diag[R] = diag[W_o^u \cdot W_k^u \cdot W_p^u]$.



3-расм. Экстракция жараёнини автоматик бошқариш тизимининг функционал схемаси

W_p^u -узатиш функцияси диагонал матрица бўлганлиги сабабли, агар $(W_o^u \cdot W_k^u)$ ифода ҳам диагонал матрица бўлса, R матрица ҳам диагонал матрица бўлади. Ушбу икки матрицани кўпайтириб, қуйидаги матрицага эга бўламиз:

$$W_o^u \cdot W_k^u = \begin{bmatrix} W_o^{u[1][1]}(z) + \sum_{i=2}^r W_o^{u[i][1]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) & \dots & W_o^{u[r][1]}(z) + \sum_{i=2}^{r-1} W_o^{u[i][1]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) \\ W_o^{u[1][2]}(z) + \sum_{i=2}^r W_o^{u[i][2]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) & \dots & W_o^{u[r][2]}(z) + \sum_{i=2}^{r-1} W_o^{u[i][2]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) \\ \vdots & \vdots & \vdots \\ W_o^{u[1][r]}(z) + \sum_{i=2}^r W_o^{u[i][r]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) & \dots & W_o^{u[r][r]}(z) + \sum_{i=2}^{r-1} W_o^{u[i][r]}(z) \cdot W_k^{u[r][i]}(z) \end{bmatrix}$$

Кўпайтмадан ҳосил бўлган матрицанинг диагонал бўлмаган элементларини нолга тенглаштириб, қуйидаги тенгламага келинади:

$$W_o^u \cdot W_k^u + W_o^{uu} = 0,$$

$$W_o^u = \begin{bmatrix} W_o^{u[1]} & \dots & 0 \\ \vdots & \vdots & \vdots \\ 0 & \dots & W_o^{u[r]} \end{bmatrix}; W_k^u = \begin{bmatrix} W_k^{u[1]} \\ \vdots \\ W_k^{u[r]} \end{bmatrix}; W_o^{uu} = \begin{bmatrix} W_o^{uu[1]} \\ \vdots \\ W_o^{uu[r]} \end{bmatrix},$$

бу ерда $W_o^{u[1]} - W_o^u$ матрицанинг i -қатори ва i -устунини ўчиришдан ҳосил бўладиган диагонал матрица; $W_k^{u[1]} - W_k^u$ матрицанинг i -устунидан i -қаторни ўчиришдан ҳосил бўладиган вектор; $W_o^{uu[1]} - W_o^u$ матрицанинг i -устунидан i -қаторни ўчиришдан ҳосил бўладиган вектор.

Агар $W_o^u \neq 0$ бўлса, бу тенглама ягона ечимга эга бўлади: $W_k^u = (W_o^u)^{-1} \cdot W_o^{uu}$.

Бунда динамик компенсаторнинг матрицали узатиш функцияси қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$W_k(p) = W_o^{-1}(p) \text{diag} W_o(p).$$

Бир ўлчамли тизимлар назарияси усуллари қўллаб, олинган берк бошқариш тизимининг диагонал узатиш матрицасидан фойдаланган ҳолда, ҳар бир бошқариш канали бўйича ростлагичнинг узатиш функциясини топиш мумкин.

Олинган тенгламалар асосида компенсаторнинг структураси ва параметрларини аниқлаш учун турли хил тузилишга эга кўп боғлиқли рақамли бошқариш тизимининг юқори тезкорлик ва аниқлигини таъминлаш учун тизимнинг бошқариш қисмини сошлаш параметрларини топишнинг алгоритми ишлаб чиқилди. Бу эса қўйилган масалани ечишни автоматлаштиришнинг имконини беради.

Рақамли ростлагичларни сошлаш параметрларининг оптимал қийматларини топиш жараёни берк кўп боғлиқли компьютерли бошқариш тизимининг ўтиш жараёнларини ҳисоблашдан бошланади.

Берк кўп боғлиқли компьютерли бошқариш тизимининг ўтиш жараёнларини ҳисоблаш фарқ тенгламалари ёрдамида объектнинг асосий ва кесишиш алоқаларини инобатга олган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$E_1 = Y_1^3 - Y_1, U_1 = \theta^u \cdot \sigma^u, U_1 = I^u \cdot U_1^u, \theta_1^u = \theta_{o1}^u \cdot \sigma_{o1}^u, Y_1^u = I_{o1}^u \cdot Y_1^u,$$

бу ерда U_1^u, E_1, Y_1^3 - мос ҳолда, бошқарувчи таъсир қийматлари вектори, бошқариш хатоликлари вектори, топшириқ векторлари;

$$\theta^{[m,l]} = \begin{cases} \left[u_{i-1}^{[m,l]}, \dots, u_{i-n^{u[m,l]}}^{[m,l]}, u_{l-d^{u[m,l]}}^{[m,l]}, \dots, u_{i-k^{u[m,l]}-d^{u[m,l]}}^{[m,m]} \right], m \neq l \\ \left[u_{i-1}^{[m,l]}, \dots, u_{i-n^{u[m,l]}}^{[m,l]}, e_i^{[m]}, \dots, e_{i-k^{u[m,m]}}^{[m,l]} \right], m = l \end{cases} \quad \text{-ростлагичнинг}$$

$\sigma^{[m,l]} = \left[g_1^{[m,l]}, \dots, g_{n^{u[m,l]}}^{[m,l]}, r_0^{[m,l]}, \dots, r_{k^{u[m,l]}}^{[m,l]} \right]^T$ созланувчи параметрларини ўзида акс эттирган

ростлагичнинг ҳолат ўзгарувчиларининг қиймати; $U_1 = \left[u_i^{[1]}, \dots, u_i^{[r]} \right]^T$ - бошқарувчи таъсирларнинг оптимал қийматлари; $I = I_{o1} = I_o$ - йиғинди матрицаси; $Y_1^u = Y^u$ - алоқа канали чиқиш қиймати; $\theta_{o1} = \theta_o$ - алоқа канали ҳолат ўзгарувчиларининг матрицали кўриниши; $\sigma_{o1} = \sigma_o$ - алоқа модели канал параметрлари; $Y_1 = Y$ - бошқариш объекти чиқиш вектори.

Бошқариш тизимини синтезлашда оптимал бошқариш таъсирларини аниқлаш учун ўтиш жараёнлари сифати мезони сифатида ростлагичларни сошлашда қиймати минималлаштириладиган бошқаришнинг квадратидан фойдаланилган:

$$F = \sum_{j=1}^M \sum_{i=1}^{L+J} U_j^2(i) \rightarrow \min; (j = \overline{1, M}; i = \overline{1, J}).$$

Тезкорлик мезонига мувофиқ экстракция жараёнининг оптимал бошқариш таъсирларини қидиришда N - интерваллар теоремасига мувофиқ минимал миқдордаги ўтиш тактлари қуйидагича аниқланади:

$$L = \text{Int} \left\{ \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^M P_{ij} / M + 0.5 \right\},$$

бу ерда P_{ij} – бошқариш объектининг j - кириш, i -чиқиш канали бўйича узатиш функциясининг (дифференциал тенгламанинг) тартиби; M – чиқишлар сони; N – киришлар сони.

Бошқариш объектининг зарурий ҳолати қуйидаги шарт билан аниқланади:

$$Y_i(L+K) = G_i(L+K) - Y_i^*(L+K), i = \overline{1, N}; K = 0, \tilde{N}_i,$$

бу ерда $Y_i^*(L+K)$ – i -чиқиш ўзгарувчининг башоратловчи қиймати, $G_i(L+K)$ – i -чиқиш ўзгарувчининг зарурий қиймати.

Нолинчи бошланғич шартларда ушбу боғлиқликлар қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Y_i(L+K) = \sum_{j=1}^M \sum_{m=1}^L U_j(m) * \omega_{ij}((L+K-m+1)*T), i = \overline{1, N}; K = 0, C_i,$$

бу ерда T – бошқарувчи сигнални дискретлаш даври; C_i – i -чиқиш ўзгарувчини қайд қилиш тактларининг сони; $\omega((L-K)T)$ – $L-K$ тактдаги вазн функцияси (T - давомийли импульсли таъсирга жавоби).

Жараённинг динамик моделларига асосланиб, оптималлик шартларини инобатга олган ҳолда, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, чизиқли алгебраик тенгламалар системасини оламит:

$$[\omega_{ij}(L+K-m+1)] * U_j(m) = G_i(L+K) - Y_i^*(L+K).$$

Чизиқли тенгламалар системасини ечиб, башоратланувчи хатолар чизиқли комбинацияси кўринишидаги бошқариш таъсирларининг изланаётган

қийматларини топамиз: $U_j(m) = \sum_{i=1}^N \sum_{K=0}^{C_i} R_{im} \left(\sum_{s=1}^{i-1} C_s + K \right) * E_i(L+K)$, бу ерда R_{im} – $W(p)^{-1}$

матрицанинг қатор вектори

Шундай қилиб, рақамли ростлагичнинг узатиш функцияси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$D(z) = \frac{U(z)}{e(z)} = \sum_{j=0}^n K_j e(jT) z^{-j} / \sum_{j=0}^n e(jT) z^{-j},$$

бу ерда K_j – j -бошқариш тактидаги кучайтириш коэффициенти.

Ушбу ишда кўп боғлиқли рақамли бошқариш қурилмалари ростлагичларининг созланувчи оптимал параметрларини аниқлаш учун векторли оптималлаштириш билан ифодаланган берилган мезонга мувофиқ микроконтроллер томонидан ишлаб чиқариладиган импульсли бошқариш таъсирларининг давомийлигини инобатга олган ҳолда юқори самарали ҳисоблаш алгоритми таклиф қилинган.

Яратилган экстракция жараёнини рақамли бошқариш тизимини функционаллигини таҳлили шуни кўрсатдики, юқори тезкорликка эга, ростлаш ва ўлчаш хатоликларининг носезгирлигига эга.

Диссертация ишининг «**Экстракциялаш жараёнини бошқариш**» дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг технологик параметрларини компьютерли бошқариш тизимларини синтез қилиш учун яратилган модел ва алгоритмларни амалий тадбиқи натижалари келтирилган. Экстракция жараёнининг оптимал технологик режимини танлаш учун куйидаги ўзгарувчилар ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнини тавсифловчи асосий омиллар сифатида қаралди:

1. y_1, y_2 -бошқарувчи ўзгарувчилар, бу ерда y_1 -CO₂ газининг сарфи, y_2 -иссиқлик агентининг сарфи.
2. y_1, y_2 -бошқарилувчи параметрлар, бу ерда мисцелладаги концентрацияга билвосита таъсир кўрсатувчи y_1 - CO₂ газининг босими, y_2 - CO₂ ҳарорати.

Узум уруғларини экстракциялаш учун экспериментал маълумотларга асосланиб, узатиш функцияси шаклида ифодаланган динамик хусусиятлар аниқланди.

$$W(P) = \begin{bmatrix} \frac{0,15}{20,5p+1} & \frac{0,6}{25,7p+1} \\ \frac{1,8}{40,2p+1} & \frac{0,12}{37,8p+1} \end{bmatrix}.$$

Компенсацияловчи қурилмалар ва рақамли ростлагичларнинг узатиш функциялари аниқлаш усулларини қўллаб, уларнинг матрицали узатиш функциялари топилди:

Компенсатор учун:

$$W^k(p) = \frac{1}{18,6p^2 + 9,11p + 0,27} \cdot \begin{bmatrix} 136,7p^2 + 28,7p + 0,09 \\ 113,6p^2 + 39,9p + 1,9 \end{bmatrix}.$$


Рақамли ростлагич учун:

$$D_1(z) = \frac{28.873967411379 \times (z^2 - 1.8839992141678 \times z + 0.89335955825975)}{(z-1) \times (z + 0.49060171058447)},$$

$$D_2(z) = \frac{29.911715589623 \times (z^2 - 1.7804034877349 \times z + 0.7971193460581)}{(z-1) \times (z + 0.48110850223935)}.$$

Ушбу элементларнинг узатиш функцияларини қўйиб, Simulink/Matlab ёрдамида бошқариш тизими моделлаштирилди. Ўтиш жараёнларининг графиги 4-расмда кўрсатилган.

4-расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган бошқариш тизими кўриб чиқилаётган жараён учун етарли аниқликка, объектдаги кечикиш вақти мавжуд бўлганда динамик бошқариш жараёнларининг қониқарли сифатига эга. Олинган ўтиш жараёнлари берилган таъсирга жавоб қайтаришда кичик ростлаш вақтини кўрсатди. Кейинги ростлаш вақтини камайтириш жараёни инерцион кўринишдалиги ва бошқариш таъсирларининг чекланганлиги учун қийинчилик туғдиради.



4-расм. Оптимал бошқариш тизимининг ўтиш жараёнлари

Лаборатория қурилмасига ўсимлик хомашёларини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг технологик параметрларини кўп боғлиқли компьютерли бошқариш тизимини муҳандислик тадбиқи мақсадида ушбу бобда технологик жараён параметрларини автоматик барқарорлаштириш тизимлари ва ускуналарнинг ишлаш режимларини оператив бошқариш тизими, ҳамда жараённи автоматик мониторинги учун визуализациялаш тизимининг умумлашган функционал-технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга бошқариш объекти сифатида асосий ва ёрдамчи қурилмалар тўплами: Arduino UNO микроконтроллери, энергия, материал ва хомашё берилишига мўлжалланган клапанлар ҳолатини бошқариш учун ростланувчи органлар олинди.

Ишлаб чиқилган ўсимлик хомашёларини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг компьютерли бошқариш тизими қуйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

- технологик жараён ҳолатини характерловчи ўзгарувчиларнинг жорий қийматлари ҳақида ахборот олиш;

- жараённинг ростланувчи органга бевосита таъсир кўрсатувчи технологик параметрларини барқарорлаштиришни таъминлаш.

Экстракция жараёнини компьютерли бошқариш тизими бир нечта осттизимлардан иборат: технологик агрегатлар иш режимларини оператив бошқариш осттизими; технологик жараённинг параметрларини барқарорлаштирувчи осттизим; бошқарувчи таъсирларни амалга оширувчи осттизим.

Яратилган экстракция жараёнини компьютерли бошқариш тизими уч қатламли структурага эга:

Бошқаришнинг қуйи қатламида қуйидаги операциялар бажарилади:

- экстракция жараёнининг технологик ҳолати ҳақида маълумотлар йиғиш;
- агрегатнинг ростланувчи органларига бошқарувчи сигналларни ишлаб чиқиш;

Бошқариш тизимининг ўрта қатламида қуйидаги функциялар бажарилади:

- танлаб олинган мезонлар бўйича ростлаш қонунларининг оптимал параметрларини ҳисоблаш;
- бошқариш каналлари учун топшириқларни ишлаб чиқиш;
- технологик агрегатнинг белгиланган иш режимини таъминлаш.

Бошқаришнинг юқори қатлами қуйидаги функцияларни бажариш учун мўлжалланган:

- микроконтроллерни созлаш, конфигурациялаш ва дастурлаш;
- ишлаб чиқариш ҳолатлари тўғрисида далолатномалар тузиш ва ҳисоботларни шакллантириш;
- экстракция жараёнини реал вақт режимида акс эттириш.

Ишлаб чиқилган рақамли бошқариш тизимини синтезлаш моделлари ва алгоритмлар асосида лаборатория қурилмаси яратилди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги, Фойдали моделга патент. № FAP 01250, 31.10.2017 йил). Унинг таркиби қуйидагилардан иборат: технологик жараённинг бориши ҳақида дастлабки ахборотларни етказиб берувчи интеллектуал датчиклар, асосий қурилма - экстрактор, ҳамда рақамли ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш воситалари ва ҳ.к.

Бунда жараённи масофадан бошқаришга мўлжалланган микроконтроллер юқори қатламдаги ЭХМ билан Ethernet орқали уланиши мумкин.

Микроконтроллер учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш воситаси сифатида MatLAB+Embercadero Delphi+C++ ишлатилиб, Windows, Linux ва MacOS операцион тизимларда ишлашга мўлжалланган.

Технологик жараённи реал вақтда кузатиб бориш ва керак бўлган пайтда зарурий ўзгартиришни киритиш учун, Embercadero Delphiда инсон-машина интерфейси ишлаб чиқилди. Ушбу интерфейсда реал вақтда жараённинг бориши ва ижро этувчи механизмларнинг ҳолати тасвирланади.

Таклиф этилган моделлар ва алгоритмлар асосида яратилган бошқариш тизимини ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнига тадбиқи ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва мақсадли маҳсулотнинг йўқотилишини камайиши ҳисобига самарадорлигини таъминлашини кўрсатди.

ХУЛОСА

Диссертацияда тизимли таҳлил, бошқариш назарияси концепциялари асосида ўсимлик хомашёсини сиқилган карбонат ангидрид гази билан экстракциялаш жараёнининг бошқариш тизимини синтезлаш динамик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Яқунда қуйидаги натижалар олинган:

1. Динамик объектларни бошқариш тизимларининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш амалга оширилди, жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган йўналишлар белгиланди ва технологик объект-экстракторни икки қатламли бошқариш тизими структураси таклиф этилди.
2. Эрийдиган моддаларнинг ички қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик хомашёсини экстракциялаш жараёнининг ўта критик ҳолатини динамик математик моделини қуриш методикаси ишлаб чиқилган. Бу хомашёни майдалашнинг турли ўлчамларида экстракция жараёни динамикасининг қонуниятларини очиқ беришга имкон беради.
3. Ўсимлик хомашёсини экстракциялашнинг модда алмашиниш жараёнларининг кўп боғлиқли динамик математик ва компьютер модели ишлаб чиқилди, ишлаб чиқилган математик моделларнинг асосини ташкил этадиган чекловлар ва четланишлар аниқланди.
4. Жараён самарадорлигининг чегара кўрсаткичларини аниқлашга ва экстракторнинг оптимал иш параметрларини ҳисоблашга имкон берувчи экстракция жараёнининг статистик-математик модели ишлаб чиқилди.
5. Статистик-математик модел асосида экстракция жараёнини оптималлаштириш масаласи шакллантирилган ва доимий-ўзгарувчан қадамли симплекс режалаштириш усулини такомиллаштириш асосида оптимал технологик параметрларни топиш алгоритми ишлаб чиқилган.
6. Объектни берилган ҳолатга қисқа вақтда ўтишини таъминловчи модда алмашиниш жараёнини бошқариш учун рақамли ростлагичнинг структурасини ва оптимал параметрларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.
7. Тезкорлик мезонига асосланган CO₂-экстрактор учун кўп ўлчовли рақамли бошқариш тизимини синтез қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Алгоритмлар турли хил ишлаб чиқариш шароитларида асосланган оптимал қарорларни қабул қилишга имкон беради.
8. CO₂-экстрактор параметрларини кўп ўлчовли рақамли бошқариш тизимининг функционал-алгоритмик структураси таклиф этилди, турли хил ишлаб чиқариш ҳолатлари (критик ҳолатдан олдин ва кейин) учун бошқариш алгоритмларини амалга ошириш натижалари тақдим этилди, бу эса ёғ концентрациясини 88,3% дан 91% гача ошириш ва ўсимлик хомашёсининг таркибий қисмларининг мақсадли маҳсулотлардан 6,5% дан 3,8% гача йўқолишини камайтиради.
9. Яратилган моделлаштириш алгоритмлари ва махсус дастурий таъминот мажмуаси реал объектларда жорий этилди. Бошқариш тизимини жорий этишдан олинган жами иқтисодий самарадорлик 196 миллион сўм атрофида ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ФАЙЗИЕВ ШАВКАТ ИСМАТОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ И ИССЛЕДОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ
ПРОЦЕССОМ ЭКСТРАКЦИИ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ
СЖИЖЕННЫМ УГЛЕКИСЛОМ ГАЗОМ**

**05.01.08- Автоматизация и управление технологическими процессами и
производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (Phd) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/T1093.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Сидиков Исамиддин Хакимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Касьянов Геннадий Иванович (Российская Федерация)
доктор технических наук, профессор

Исмаилов Мирхалил Агзамович
доктор технических наук, профессор




Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» 06 2021 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №208 (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.)

Автореферат диссертации разослан «02» 06 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «01» 02 2021 года)



Н.Р. Юсупбеков

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется повышению эффективности производства пищевой и фармацевтической промышленности на основе применения современных технологий и методов рационального использования веществ в сверхкритическом состоянии при экстракции растительного сырья, позволяющих сократить энерго- и ресурсозатраты. В этом направлении определенные успехи достигнуты в ведущих странах мира, где особое внимание было уделено совершенствованию методов управления технологическими процессами, обеспечивающих повышение эффективности производства и конкурентоспособности продукции.

В мире интенсивно ведутся научные исследования, направленные на разработку технологии и систем оптимального управления процессом экстракции с высокой концентрацией биологически активных веществ и с сохранением натуральных свойств исходного сырья, при использовании сверхкритических сжиженных углекислых газов. В связи с этим в фармацевтической, парфюмерной и пищевой промышленности особое значение приобретает разработка и усовершенствование цифровой системы управления процессом экстракции растительного сырья сжиженным углекислым газом.

В республике принимаются меры по значительному увеличению экспортного потенциала и дальнейшему укреплению продовольственной безопасности за счет расширения производства экологически чистой продукции, что является одним из важнейших секторов экономики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, отмечен ряд задач: «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, повышение производительности труда в отраслях экономики, ...углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»¹. В этом аспекте возникает острая необходимость разработке алгоритмы синтеза и моделирование системы управления процессом экстракции растительного сырья сжиженным углекислым газом на основе современных технологических средств, способствующих повышению показателей качества управления.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» ПФ-4947 от февраля 2017 года.

Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлений Президента №ПП-4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение», IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий» и VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Анализ научно-технических публикаций, связанных с разработкой методов и алгоритмов управления процессом экстракции растительного сырья в масложировой промышленности позволяет сделать вывод, о том что, достигнуты значительные теоретические и практические результаты в данной области. В данном направлении большой вклад внесли многие зарубежные ученые такие как: A.Abraham, R.A. Aliev, A.Allgöwer, Zhao Suwei, M.S. Diaz, Г.И. Касьянов, В.А. Бабеньков, М.В.Голубятникова, В.П. Мешалкин, Ф.И. Василев, О.И. Драчев, А.М.Абакумов, S. Malkin, A.A.Cardí, R.Bauer и др. В своей исследовательской работе они изучали вопросы совершенствования работы экстракторов, исследовали зависимость качества получаемого продукта от скорости массопереноса

Существенный научный вклад внесли в развитие теории и практики создания систем управления сложными технологическими объектами и процессами, такими как процессы экстракции с различными экстрагентами, ряд отечественных ученых: Т.Ф.Бекмуратов, Н.Р.Юсупбеков, М.М.Камилов, Х.З.Игамбердиев, Ш.М.Гулямов, М.А.Исмоилов, И.Х.Сиддиков, М.М.Мусаев, А.А.Гафуров и многие другие.

